





Сўнги 10 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши 9,2 фоиздан 20 фоизга ўсди.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-йил 29-oktabr. Payshanba  
127 (32.030)-son  
www.uzbekistonovozi.uz

3

## ЯНГИЛИКЛАР

### Филдиракли транспорт воситаси

ҳаракат траекторияси параметрларини аниқловчи қурилма яратилди

Кишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари филдиракли транспорт воситасининг ҳаракат траекторияси параметрларини аниқлаш қурилмасини яратди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Лойиҳа машинасозлик ва тракторсозлик соҳасида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, унинг асосий вазифаси филдиракли транспорт воситаси конструкциясини соддалаштириш, ўлчов ва ишлов беришда уларнинг аниқлиги ва ахборот сизимини ошириш, шунингдек, экинларни зарарсиз йиғиб олишдан иборат.

Ушбу қурилма учун Бахтиёр Қамбаров ва Мирзохид Тўхтабевга патент берилди.

### «Artel» ва «Samsung» ҳамкорлигида

Зоминда монитор ишлаб чиқара бошланди



«Artel» компанияси Жаңубий Кореянинг «Samsung» компанияси билан ҳамкорликда Зомин туманида компьютерлар учун замонавий мониторлар ишлаб чиқарадиган заводни ишга туширди. Бу ҳақда «Artel» компанияси расмий сайти хабар бермоқда.

Янги завод Зомин тумани собиқ машина-трактор парк худудига қурилган.

Заводнинг қуввати бир йилда умумий қиймати 30 миллиард сўмлик 200 мингта монитор ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Айни кунда заводда 150 киши икки сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

### «KN-KIPPER» компанияси

вакиллари тажриба алмашмоқда

Польшанинг юк автомобиллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «KN-KIPPER» компанияси вакиллари Самарқанд шаҳридаги «O'zavtotreyler» МЧЖ корхонасида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди. Ташрифдан қўзланган асосий мақсад ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлиқни йўлга қўйишдан иборат. Бу ҳақда «Ўзавтосаноат» расмий сайти хабар бермоқда.

Польшанинг «KN-KIPPER» компанияси 1997 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Шу кунга қадар компания сифатли ва қулай ўзи ағдарувчи юк автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича Европа бозорларида муносиб ўринга эга.

Наврўз ҲУЛОМОВ  
тайёрлади.

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

ишлаб чиқариш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим омилидир

Жаҳонда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз эртасини ўйлаган ҳар бир давлатдан миллий иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш, саноатининг устувор тармоқларини белгилаш, уларда таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификациялаш жараёнларини амалга оширишни талаб этмоқда.

Хусусан, 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури республикаимиз тараққиёти учун муҳим бўлган ривожланиш босқичларидан бири ҳисобланади.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва мониторинг бўлими бошлиғи Феруз Раҳматов билан ушбу дастур ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашди.

— Аввало, ўтган давр мобайнида Маҳаллийлаштириш дастури бўйича қандай натижаларга эришилгани ҳақида тўхталсангиз.

— Хабарингиз бор, Маҳаллийлаштириш дастури мамлакатимизда 2000 йилда ишлаб чиқилиб, шундан буён амалга оширилиб келинмоқда. Бу даврда умумий баҳоси 4 миллиард АҚШ долларидан зиёд 2500 лойиҳа амалга жорий этилди. Натижада 4 минг турдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва йилига 6,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридан импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қўйилди. Бу маҳсулотлар сирасига нефть ва газ ускуналари, самосвал ва кранлар, технологик асбоб-ускуналар, озиқ-овқат саноати учун кичик ускуналар, замонавий полимер ва пластмасса буюмлари, каллий ўғитлари, электродвигатель, юқори технологиядаги кабелъ ва сим маҳсулотлари, спорт анжомлари, маиший техникалар, энергияни теҳовчи ёритиш мосла-



ЎЗА олган сурат.

малари, қурилиш ва пардозлаш материаллари, тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқларидаги ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқалар кирди.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 220 марта ошган бўлиб, сўнги 10 йил мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши 9,2 фоиздан 20 фоизга ўсди.

Бу борадаги ишлар 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш дастури доирасида изчил давом эттирилмоқда.

— Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларга давлат томонидан яратилган шартшартлар нимадан иборат?

— Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар уч йилгача бўлган муддатга ягона солиқ тўлови, мулк ва фойда солиғи ҳамда боғжона тўловлари тўлашдан озод этилади. Ўйлашмики, бу ўз бизнеси ва тадбиркорлик фаолияти орқали янги иш ўринлари яратишни режалаштиратганлар учун жуда катта имтиёзидир.

— Маҳаллий корхоналарга Дастур доирасида ўзлаштиришга тавсия этиладиган маҳсулотлар турлари ҳақида маълумотларни қаердан ва қай тартибда олиш мумкин?

— Президентимизнинг Саноат кооперацияси асоси-

да тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш янада чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорига асосан, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилишини жойлаштириш ва ташаббус кўрсатиш механизми жорий этилган.

Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва бошқа ваколатли органлар маҳаллий табиий хомашё ресурслари, импорт ҳажми ва таркибини чуқур таҳлил қилиш орқали мамлакатимизда юқори талабга эга устувор тармоқларда ўзлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот турларини аниқлайди.

Ушбу тақлифлар Иқтисодиёт вазирлиги томонидан вазирликлар, хўжалик юритувчи субъектлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ўрнатилган тартибда юборилади. Шунингдек, тақлифлар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси томонидан [www.cooper.uz](http://www.cooper.uz) — Интернет тармоғига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) — расмий сайтыга жойлаштирилади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ички бозоримизда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларга бўлган талаб, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирган-да давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳақида маъ-

лумотлар тўғридан-тўғри ҳамда билвосита етказилади.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши тадбиркорлик билан шуғулланишни ва инвестиция киритишни хоҳлаган ташаббускорларга бозорда юқори талаб мавжуд бўлган маҳсулотлар рўйхатини қўшимча ўрганишларсиз тайёр ҳолда кўриш ва ўз салоҳиятидан келиб чиқиб уларни ўзлаштиришда қўл келмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай имконият ва имтиёзларни бозор муносабатлари тобора такомиллашадиган ўнчамунча давлат тажрибасида учратмайсиз...

— Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг аҳамияти тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида мамлакатимизнинг барча тармоқлари ва етакчи корхоналари иштирок этади. Фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, энгил саноат, автомобилсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат ва электротехника саноати шулар жумласидан. Бунда иштирокчилар ўзларининг ишлаб чиқараётган ёки ўзлаштирилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар, шунингдек, саноат кооперацияси орқали маҳаллийлаштиришга тақлиф қилинаётган маҳсулотлар турлари ҳамда ҳамкорлик қилишга тақлиф этиладиган истиқболли лойиҳалари билан қатнашади. Шу билан бирга, ушбу тадбирда республиканинг барча ҳудудлари ўзларида мавжуд, бироқ ҳали талаб даражасида фойдаланил-

маётган иқтисодий, молиявий, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш салоҳияти билан таништиради ва ҳудудда амалга ошириш учун истиқболли лойиҳаларни тақлиф этади.


Юртимизда ушбу Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси анъанавий ўтказилишининг қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, улар асосан қуйидагилардир:

Аввало, бир вақтнинг ўзида мамлакатимизнинг саноат салоҳияти билан танишиш имконияти мавжуд. Демократизм, барча саноат тармоқлари ва етакчи корхоналар ўз маҳсулотлари билан «Ўзэкспомарказ» залларида жойлашган. Иккинчидан, ортиқча овозгарчиликсиз ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, яъни бир жойнинг ўзида маҳаллий маҳсулотларнинг олди-сотида ва етказиб бериш шартномаларини тузиш, биргаликда янги лойиҳалар амалга ошириш тўғрисида келишиб олиш учун қулай шартшароит мавжуд. Учинчидан, тадбирда ҳамкорлик қилиш истаги бўлган чет эллик инвесторларнинг қатнашиши, яъни инвестицион ҳамкорлик имкониятлари ва йўналишларини аниқлаш, маҳаллийлаштириш кўзда тутилган саноат тармоқларининг тақдиротлари ўтказилиши орқали уларни қизиктирган барча саволларга ўша жойнинг ўзида атомунча давлат тажрибасида учратмайсиз...

Бундан ташқари, яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар республикаимизнинг барча корхоналари учун қўшимча тендерлар ўтказмасдан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги тараққиёт жараёнида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодий ўсиши ва иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Обиддин МАҲМУДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ўз бизнесимни йўлга қўйишни ният қилгандим. Асарчилик фаолиятини ташкил этиш мақсадида «Ўз-саноатқурилишбанк»нинг Андижон вилояти минтақавий филиалига бизнес-лойиҳам билан муносабат қилдим. Ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига ўз ишимни йўлга қўйишга муваффақ бўлдим. Ойла аъзоларимни иш билан таъминладим. Ҳозир аҳолига асал етказиб бераётганимиздан мамнунимиз.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вакиллари «Ўзсаноатқурилишбанк» ва унинг филиаллари хизматларидан мамнун. Зеро, молия муассасаси юрдошларимизнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш баробарида юртимиз раънақи, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



### ЭБОЛА ВИРУСИ

узок вақт сақланиб қолади

Маълумки, ўтган йили февраль ойида Ғарбий Африкада Эбола безгаги жуда авж олган ва уни «жиловлаш» учун жаҳон ҳамжамияти анча куч сарфлаган эди.



Мазкур эпидемия умумий ҳисобда 11 мингдан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган, 28 минг 500 га яқин киши эса ушбу безгак вируси юққани боис азият чеккан эди. Қўрилган чоралар натижасида улар соғайиб, ҳаётга қайтган.

Бироқ Эбола устида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳали давом этмоқда.

АҚШ ва Сьерра-Леоне мутахассислари тадқиқотлари натижаси шундай хулосани бердики, Эбола вируси тананинг турли органларида ва биологик суюқлигида узок вақт, аниқроғи, 9 ой ва ундан ҳам ортиқроқ сақланиб қолиши мумкин экан.

Ўтган йили безгакдан даволанган ўнлаб эркаклар бу йилги тиббий текширувдан қайта ўтказилган, олимлар шунга амин бўлди.

Мутахассислар огоҳлантирмоқдаки, ўлимга олиб боровчи бу хасталикдан даволанганлар эндиликда гигиена қоидаларига қатъий амал қилиши керак.

Айни пайтда Ғарбий Африкада Эбола безгаги ҳаффи бартараф этилган. Иккинчи ҳафтадирки Эбола ҳалидан бирор-бир киши қузатилмади.

### КЕКСАЙИШ ЖАРАЁНИ

ҳар кимда ҳар хил кечади

Ғарб олимлари кексайиш жараёни қандай кечшини узок йиллар давомида қузатдилар. Яъни, 1972-1973 йилларда тутилган 954 нафар кўнгилли 38 ёшидан бошлаб қузатилди. Қузатувдаги кўнгиллиларда биологик ёш турлича кўринишда бўлган — бириси ўз ёшига нисбатан ўта ёш кўринса, бошқаси худди 60 ёшдагидек кўринишда бўлган.



Буни Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори Владимир Анисимов қуйидагича изоҳлади:

Кексалик жараёнининг тезлашиши қўллаб омиларга боғлиқ. Уларнинг асосийси турмуш тарзи, ирсият, овқатланиш, маълумот ва кишининг эгалланган мутахассислигига бориб тақалади. Айниқса, мутахассислик бу борада асосий роль ўйнайди. Олий маълумотга эга бўлиш кўп нарсани билишга имкон бергани боис, узокроқ умр кўришга замин яратади.

■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИ ЯКУНИ БЎЙИЧА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ 2014 ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 8 ФОИЗ, САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ 7,3 ФОИЗ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ 6,6 ФОИЗ, ЧАКАНА САВДО АЙЛАНМАСИ 15 ВА ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИ 12,9 ФОИЗ ЎСДИ.



■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 748,7 МИНГ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. БУНДА 451,6 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ (УМУМИЙ МИҚДОРНИНГ 60,3 ФОИЗИ) ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ЯНГИЛИКЛАР

Дори воситаларига

қўшимча нарх қўйишнинг олди олинади

my.gov.uz порталида «Дори-дармон» акциядорлик компанияси дорихоналарнинг рўйхати ва дори воситаларининг нархларини эълон қилди.

Хозирги кунга келиб, компания ва унинг таркибий бўлинмалари тармоғида 1400 га яқин дорихона ва дорихона филиали фаолият кўрсатмоқда.

Порталда дорихоналар манзили, телефон рақами ҳамда иш вақти кўрсатилган. Мазкур хизмат орқали фуқаролар Тошкент шаҳри, Наманган, Самарканд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Термиз шаҳрида жойлашган «Дори-дармон» АКга қарашли дорихоналардаги 1729 турдаги дори воситаларининг номланиши, нархи, уни ишлаб чиқарган корхона ҳақида маълумот олиши мумкин.

Ушбу хизмат дори-дармон воситалари устига қўшимча нарх қўйишнинг олдини олиш мақсадида йўлга қўйилди.

Пенсия таъминоти тизими янада такомиллашади

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, 2015-2017 йилларда «Пенсия» дастур мажмуаси негизда пенсия таъминоти бўйича идоралараро ягона «Нафақа» ахборот тизими жорий этилади. Бу ҳақда Norma.uz сайти хабар қилмоқда.

«Нафақа» тизими маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар олишни бекор қилиши билан ёши улуг кишиларга қулайлик яратди. Қарорда қайд этилишича, ушбу тизим пенсия ва нафақаларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлайди.

Мазкур тизим Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграцияланади.

Хукумат қарориди «Нафақа» тизимини жорий этиш режа-жадвалини тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши белгилаб берилди.

Япония гранти асосида модернизация қилинади

Таъши иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан имзоланган грант шартномасига кўра, Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

— JICA томонидан тақдим этиладиган ушбу асбоб-ускуналар тезкор таъшиш қўйиш, юқори технологик тиббий ёрдам сифатини оширишга хизмат қилади, — дейди Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори ўринбосари Рустам Хамроев. — Марказимиз 18 бўлимдан иборат бўлиб, вилоятдаги таянч муассасаларидан бири ҳисобланади.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ тайёрлади.

ТАДБИР

Осойишталигимиз посбонлари

Қаерда тинчлик-хотиржамлик бўлса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Юртимизда ана шу бебаҳо неъматни асраб-авайлашда ички ишлар ходимлари кеча-ю кундуз хушёр туриб, фидокорона хизмат қилмоқда.

Қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида жамиятимизда барқарорликни, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкам таъминлаш бўйича ички ишлар тизимида туб ислохотлар ўтказилди. Натижада Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш, Тергов, Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, Ёнгин хавфсизлиги, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари такомиллаштирилди. Шунингдек, ички ишлар идораларининг моддий-техник ба-

заси тубдан мустаҳкамланди ва улар жаҳон андозаларига мос техника ҳамда алоқа воситалари билан таъминланди. Соҳа ходимларига давлатимиз томонидан доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги фармонига мувофиқ, мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидо-



Шавкат ҚАҲХОРОВ олган сурат.

корона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она-Ватанга садоқат

руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун соҳа вакиллари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. ИИБ Маданият саройида

ўтказилган байрам тадбирида Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Адхам Аҳмедбаев мукофотларни тантанали равишда топширди.

— Юксак мукофотга сазовор бўлганлигим учун Президентимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман, — деди «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори Анвар Гулбаев. — Бундай катта ишончни оқлаш учун бор куч-гайратини, билимимни халқимиз осойишталиги йўлида сарфлайман.

Байрам тадбири концерт дастури билан яқунланди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 2015 йил 10 ойлик (1 ноябрь ҳолатига) молиявий ҳўжалик фаолиятини текширувдан ўтказиш учун аудитор ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини эълон қилади.

Корхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 14 ноябрга қадар ўз тақлифларини қўйидаги манзилга юборишлари сўралади: 100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3. Тел: (99871) 239-18-49, 239-15-74, факс: (99871) 239-13-20.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонунига асосан «SAGBAN-NON-MЧЖ» устав фондидаги ўзининг 20,86 фоиз миқдоридagi улушини бозор нархида баҳолаштиш бўйича танлов эълон қилади.

Корхона ва ташкилотлар 2015 йилнинг 14 ноябрга қадар тижорат тақлифларини қўйидаги манзилга юборишлари сўралади: 100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3. Тел: (99871) 239-18-49, 239-15-74, факс: (99871) 239-13-20.

РЕКЛАМА

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» 30 ноября 2015 года в 12:00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги

На торги в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются автотранспортные средства, принадлежащие АО «Taxiyatash IES», расположенные по адресу: Республика Каракалпакстан, г.Ташкент, отдел связи №1:

- «Нексия», 2002 года выпуска, гос.№95/797GAA. Начальная цена 23 770 325 сум.
- «Нексия», 2004 года выпуска, гос.№95/247AAA. Начальная цена 15 900 495 сум.
- ИФА В-50», 1984 года выпуска, гос.№95/761AAA. Начальная цена 4 256 763 сум.
- «Газ-53», 1991 года выпуска, гос.№95/754AAA. Начальная цена 6 972 351 сум.
- Трактор марки «ТТЗ-80», 2000 года выпуска, гос.№02-66 ЕГ. Начальная цена 7 973 580 сум.
- Трактор марки «ТТЗ-80», 2001 года выпуска, гос.№95/173BA. Начальная цена 10 631 440 сум.
- Экскаватор марки «Бор Экс-2302», 2010 года выпуска, гос.№95/180BA. Начальная цена 70 767 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9:00 по 18:00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус, ул. Амир Темура, дом 122 а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Услуги лицензированы. Удостоверение №006388.

РЕКЛАМА

**ООО «KRANTAS»**  
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

- АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³, 15м³.
- АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³.
- АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³.
- КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОНЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³.
- ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.
- АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10 м³.

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

СПОРТ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари яна уч турдан кейин мавсумни якунлайди.

Олий лигани ким тарк этади?

Куни кеча йигирма еттинчи тур ўйинлари ўтказилди. Турнинг марказий учрашуви Қаршида «Насаф» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. 17 октябрь куни мазкур жуплик ўртасида Ўзбекистон кубогига тақдир хал бўлган эди. Унда қаршилиқлар 2:1 ҳисобида зафар қучиб, мамлакат биллур совринини қўлга киритганди. Шу боис акарият мухлислар чемпионат доирасидаги ушбу учрашув олдида «Насаф» футболчилари имкониятини юқори баҳолашаётган эди. Аммо бу баҳсда ҳисоб очилмади — 0:0.

Тошкентда ўтказилган «Пахтакор» — «Динамо» жамоалари учрашувида мезбонлар мавсумдаги энг йирик ғалабасини қўлга киритди — 6:0. Бу муваффақият мавсум пешқадамини навбатдаги чемпионлик сари янада яқинлаштирди.

Яна бир шиддатли учрашув эса Олмаликда кузатилади. «Олмалик» — «Нефтичи» жамоалари баҳсида мезбонлар 80-дақиқага қадар 1:3 ҳисобида рақибга имкониятни бой беришаётганди. Қолган дақиқаларда Игорь Шквирин шоғирдлари ўзларида ирода топиб, фарғоналиклар дарвозасини яна икки марта ишғол этишди ва мағлубиятдан қутулиб қолишди — 3:3.

Мавсум аутсайдери «Бухоро» футболчилари эса ўз майдонида «Навбахор» вакилларига ютқазди — 0:1.

Турнинг қолган учрашувлари натижалари билан танишинг: «Андижон» — «Сўғдиёна» — 3:2, «Шўртан» — «Машъал» — 1:0, «Қўқон-1912» — «Металлург» — 2:1, «Қизилқум» — «Локомотив» — 0:2.

Йигирма саккизинчи тур баҳслари 30-31 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

27-турдан кейинги вазият

|                  | Ю  | Д | М  | Т-Н   | Очки |
|------------------|----|---|----|-------|------|
| 1. «Пахтакор»    | 21 | 3 | 3  | 56-21 | 66   |
| 2. «Локомотив»   | 20 | 5 | 2  | 58-19 | 65   |
| 3. «Насаф»       | 19 | 4 | 4  | 45-17 | 61   |
| 4. «Бунёдкор»    | 16 | 4 | 7  | 34-18 | 52   |
| 5. «Нефтичи»     | 15 | 4 | 8  | 38-26 | 49   |
| 6. «Олмалик»     | 12 | 6 | 9  | 50-45 | 42   |
| 7. «Машъал»      | 10 | 5 | 12 | 35-39 | 35   |
| 8. «Навбахор»    | 10 | 4 | 13 | 35-44 | 34   |
| 9. «Қизилқум»    | 10 | 3 | 14 | 36-44 | 33   |
| 10. «Металлург»  | 9  | 5 | 13 | 41-35 | 32   |
| 11. «Шўртан»     | 7  | 9 | 11 | 38-47 | 30   |
| 12. «Қўқон-1912» | 8  | 4 | 15 | 29-44 | 28   |
| 13. «Андижон»    | 8  | 3 | 16 | 26-45 | 27   |
| 14. «Динамо»     | 6  | 4 | 17 | 25-45 | 22   |
| 15. «Сўғдиёна»   | 6  | 2 | 19 | 25-56 | 20   |
| 16. «Бухоро»     | 4  | 5 | 18 | 23-49 | 17   |

Эркин ХОЛБЕВИ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

| ОБ-ҲАВО                                        | 29-30.10 — 2015      |
|------------------------------------------------|----------------------|
| Юртимиз бўйлаб (°С)                            |                      |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 5 / +10 — +12 / +17  |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари                    | +7 / +12 — +20 / +25 |
| Тошкент, Самарканд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +5 / +10 — +17 / +22 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари               | +8 / +13 — +22 / +27 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари          | +5 / +10 — +17 / +22 |
| Тошкент шаҳри                                  | +8 / +10 — +20 / +22 |

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

|                   |                       |                                      |
|-------------------|-----------------------|--------------------------------------|
| Abdulla O'RPOV    | Ulug'bek MUSTAFOYEV   | Saidahmad RAHIMOV                    |
| Hotamjon KETMONOV | Muslihidin MUHIDDINOV | Farrux HAMROYEV                      |
| Ulug'bek VAFOYEV  | Ochilboy RAMATOV      | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV    |                       | Tat'yana KISTANOVA                   |
|                   |                       | (Bosh muharrir o'rinbosari)          |

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 12 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059 10600 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.00 Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

7720107433008

1 2 3 4 5 6